O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 6 (9.350) 2000 йил 14 январь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз қадрдонларим, азиз дўстларим!

Халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари бўлган сиз, азиз аскарлар, сержант ва прапоршчикларни, офицер ва генералларни, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни буюк сана – Ватан ҳимоячилари куни билан чин юракдан самимий муборакбод этаман!

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, уни том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўгитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур”, деган сўзларида теран маъно мужассам.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Бугунги кунда шуни ифтихор ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдига қўядиган талабимиз ҳаммага маълум – бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва энг юксак мезонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.

Биз ўз армиямизни келгусида фақат профессионал армия сифатида кўрамиз. Ўзини мана шу она заминнинг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йигит учун армия, Қуролли Кучлар сафида хизмат вазифасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурчга айланиши даркор. Шу эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямайди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган фожиали воқеалар, Қирғизистон жанубида ҳамда Тошкент вилоятида рўй берган воқеалар бизнинг Қуролли Кучларимиз, барча қўшин турлари жонажон Ватанимизга, она еримизга таҳдид солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қатъий зарба беришга қодирлигини, юртимизнинг муносиб ҳимоячилари эканлигини яна бир бор намоён этди.

Кимда ким бизнинг муқаддас заминимизга нопок, ғаразли ниятлар ва таҳдидлар билан қадам босса, юртимиз атрофида ғаламисларча кўз олайтириб юрган бўлса, билиб қўйсинки, биз уларга қатъий зарба беришга ва ўз сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга қодирмиз. Бунинг гарови эса сиз – менинг мард ва жасур ўғлонларим.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, қутлуғ байрам билан табриклайман!

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти,***
***Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони.***

# ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақил Ўзбекистон халқи, мамлакатимиз Қуролли Кучлари жангчилари шонли сана – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг саккиз йиллигини кенг нишонламоқда.

Пойтахтимизнинг байрамона безатилган “Туркистон” саройига уруш ва меҳнат, Қуролли Кучлар фахрийлари, Мудофаа ва бошқа вазирлик, идора ҳамда ташкилотлар, олий ҳарбий ўқув юртлари, жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар тўпланди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини республика мудофаа вазири, генерал-полковник Ҳ. Турсунов ўқиб эшиттирди. Сўнгра, мудофаа вазири шонли сана тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари – мамлакатимиз Қуролли Кучлари ўтган саккиз йил мобайнида мураккаб, айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда шонли армиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг кўрсатмаларига биноан ривожланмоқда ва такомиллашмоқда. Мамлакатимизда ҳарбий соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Халқ билан армия бирлиги тобора мустаҳкамланмоқда, жангчиларнинг сиёсий ва жанговар тайёргарлигида юқори натижаларга эришилаётир, Қуролли Кучлар сафига йил сайин кўплаб ёш аскарлар келиб қўшилмоқда. Қуролли Кучларимиз бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкам кафолатидир.

Йиғилишда Йўлбошчимизнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги посбонлари бўлмиш Ватан ҳимоячиларига, уларнинг жанговарлик қобилиятини янада оширишга, давлатимизнинг мудофаа қудратини кучайтиришга доимо эътибор бераётгани алоҳида таъкидланди. Қуролли Кучларимизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун Ислом Каримовга самимий ташаккур ва чуқур миннатдорлик изҳор қилинди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

***(ЎзА)***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш ҳамда божхона қўмиталарининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, республикамиз Қуролли Кучларининг жанговор тайёргарлигини оширишда, Ватанимизда ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини таъминлашда кўрсатган жасурлиги ва мардлиги ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**II ДАРАЖАЛИ “ШОН-ШАРАФ” ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Вахобжон Қаюмович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги десант батальони командири

**Акмурзаев Дилмурат Сайдуллаевич** – Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Ахраркулов Александр Владимирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги артиллерия қисми штаб бошлиғининг ўринбосари

**Бадалбаев Абдуллажон Махкамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг гуруҳ командири

**Бозоров Бахшилло Фатиллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара назорати бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Вахабжанов Дилшод Болтабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Габдулшакиров Рашит Габдулкабирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг командири

**Давлетмендов Карим Хайдарович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамажонов Усмонжон Умарович** – Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мараховский Юрий Валерьевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси ҳудудий чегара қисмининг отряд командири ўринбосари

**Махкамов Адхам Хамдамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Машрапов Элмурат Эркинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт ўқув звеносининг катта учувчи инструктори

**Мўминов Машрабжон Ғуломович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара ҳудудининг бошлиғи вазифасини бажарувчиси

**Мусаев Абдували Ўринбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги реактив артиллерия дивизиони командири

**Мухамедов Улуғбек Холмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмининг гуруҳ командири ўринбосари

**Мухтаров Махмуд Сабирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ондаев Отаназар Шомуротович** – Навоий вилояти Учқудуқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Отамуродов Алишер Поёнович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара ҳудуди пост бошлиғи

**Реджаметов Искандар Расулматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Риззаев Алижон Мансурович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара ҳудудининг пост бошлиғи

**Сафаров Абдуқаҳҳор Мамасолиевич** – Андижон вилояти Асака шаҳар ички ишлар бўлими тезкор вакили

**Султонов Бахтиёр Сабиржанович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бош бошқармасининг бўлинма бошлиғи ёрдамчиси

**Таджиханов Убайдулла** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи

**Қодиров Абдухамид Абдувахидович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара ҳудуди штаби бошлиғи

**Қурбонов Хазраткул Бозорович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара ҳудудининг пост бошлиғи

**Хабиев Рашид Мустафаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халиқов Абдулла Абдуманнапович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худайберганов Қудрат Базарбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряди командири

**Якупов Булат Мидхатович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**“ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Хасанбой** – Хоразм вилояти Хазорасп тумани ички ишлар бўлими Туямўйин сув омбори иншоотларини қўриқлаш бўйича милиция бўлинмаси командири

**Абдуллажонов Нодир Боқижонович** – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари

***(Давоми 2-бетда).***

# ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

***Ватан – азиз, Ватан – муқаддас. Бежизга Ватанни онага қиёс этмайдилар. Чунки унинг ҳар бир қарич тупроғи олтинга тенг. Шу туфайли она юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлмоғи даркор. Бу шарафли ва масъулиятли вазифа ҳарбий соҳа вакиллари, хусусан алпомишкелбат, довюрак, ватанпарвар йигитлар зиммасида. Аллоҳга шукрки, Ватан ҳимоячилари зиммаларидаги бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.***

Шу сатрларни қоралар эканмиз, хаёлимизга бундан икки йил муқаддам Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармасининг ташаббуси билан ўтказилган бир тадбир келди. Ўшанда кўпгина матбуот нашрларининг журналистлари пойтахтимизда жойлашган ҳарбий бўлинмаларда бўлиб, аскарлар ҳаёти билан танишганди. Мазкур учрашувларда каминани қувонтиргани шу бўлдики, Ватан ҳимоячиларининг ҳарбийча саломлашишидан то командирига ахборот беришигача ўз она тилимизда бажарилди. Учрашувда янграган ўзбекча ҳарбий қўшиқларни айтмайсизми? Ҳа, мустақиллик буюк неъмат эканлигини, бу неъматни ёвуз кучлардан асраб-авайламоқ, қадрига етмоқ зарурлигини ўшанда янада теранроқ англадик.

Шуларни ўйлар эканман ўтган йил баҳорида маҳалладошларимдан бири билан ўтган қуйидаги суҳбат беихтиёр ёдимга тушди.

55–56 ёшларга борган Баҳодир ака (исм-шарифини ўзгартириб беряпмиз) билан рўбарў келдик. Саломлашгач;

— Қаёққа кетяпсиз, ака? — дея сўрадим.

— Кичкинамни ҳарбийга чақиришяпти. Уни армиядан қолдирмоқчиман.

— Ия, хизмат қилиб келса, келажакда ҳамма соҳада ишлаши мумкин. Ахир Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи-ку.

— Ҳов ука, нима қилишни ўзим биламан.

... Суҳбат шу зайлда тугади. Мен ҳайратдан қотиб қолдим...

Бу воқеа туфайли айтмоқчиманки, агар ҳар бир йигит армия сафларида ҳарбий хизматни ўтаса, аввало жисмоний жиҳатдан чиниқади, соғлом ва баркамол бўлиб ўсади. Асосийси, Ватани, халқи олдида бурчини англайдиган, ватанпарвар, комил инсон бўлиб етишади. Зеро, жорий йилнинг Соғлом авлод йили дея номланишида олам-олам маъно бор. Чунки юрт осойишталиги, истиқлолни асраш ҳар бир фуқаронинг, хусусан, ҳозирги ёш авлоднинг зиммасидадир. Истиқлол шарофати ила 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинган экан, ҳарбийларимизни, юрагида ўти бор азамат, ватанпарвар йигитларимизни қутлуғ байрамлари билан қутлаймиз. Уларга мардликни қўлдан берманг, азизлар, деймиз. Дарҳақиқат, мардлар қўриқлайди Ватанни!

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

***Куни кеча мамлакатимиз халқи улкан тарихий воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб, энг муносиб номзодни республикамиз Президентлигига сайладилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, тинч-тотувлик, юртимиз порлоқ келажаги албатта, Йўлбошчимиз Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис Президентимизнинг ёрқин ғалабаси ҳамшаҳарларимиз қалбини тўлқинлантириб, уларнинг республикамиз эртасига бўлган ишончини яна ҳам жўш урдириб юборди.***

*Изҳор*

# ҚАЛБЛАРИМИЗ ФАХРГА ТЎЛДИ

**◆ Эркин МУСАЕВ, “Туфин” қўшма корхонаси директори:**

— Мен Ислом Каримов тимсолида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, узоқни кўзлаб иш юритаётган, жаҳон тан олаётган, оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизаётган доно раҳбарни кўраман. Президентимизнинг 9 январда бўлиб ўтган сайловдаги ғалабаси бу халқимизнинг унга юксак ишончи ва меҳр-муҳаббатининг ифодасидир. Ишонамизки, халқимиз бундан буён ҳам Президентимиз атрофида янаям жипслашиб, Оллоҳ назари тушган юртимизни бутун жаҳонга танитади.

**◆ Шоира ҚОБУЛОВА, шифокор:**

— Халқимиз мамлакатимизнинг ёрқин келажагини бизга мустақилликни ато этган, уни мустаҳкамлаш йўлида тинмай интилаётган, эл-юрт фаровонлиги, одамлар соғлиғи, оилалар бахти йўлида тинмай ғамхўрлик қилаётган Ислом Каримов тимсолида кўришини Президентликка бўлиб ўтган сайлов ёрқин кўрсатиб берди. Чиндан ҳам бошқа мамлакатлар ҳавас қилса арзийдиган Йўлбошчимиз бор. У халқнинг юрак тўридан ўрин олган.

**◆ Нуриниса ТОЖИХОНОВА, 121-мактаб директори, шаҳар Кенгаши депутати:**

— Халқимизда “Қадрлаган қадр топади” деган доно нақл бор. Чиндан ҳам Президентимиз Ислом Каримов ҳамиша элимизни, юртимизни қадрлаб, уни юксакларга кўтармоқда. Шу боис ҳам бугун уларнинг ўзлари ҳам қадр топдилар. Халқимиз аллақачон ўз меҳр-муҳаббатини Йўлбошчимизга бағишлаб, унга юксак ишонч билдирган. Юртимиз учун энг муносиб номзодга овоз берилди.

**◆ Меҳринисо ҚОДИРОВА, кўп болали она, пенсионер:**

— Тўғрисини айтсам, шундай Президентимиз борлигидан кўнглим тоғдек ғурурга тўлади. Кексаларга, аёлларга, ёшларга ғамхўрлик кўрсатаётган Ислом Каримовнинг ўзи ҳам доимо эл ардоғидадир. Бутун оила аъзоларимиз билан Ислом Каримовга овоз бердик, унинг яна Президент этиб сайланганини эшитиб, кўзларимда севинч ёшлари балқди, қалбим эса фахрга тўлди. Йўлбошчимизни хаёлимда бағримга босиб қутладим.

**◆ Дилноза БАХТИЁРОВА, талаба:**

— Бугун ўз тилимизда эркин гаплаша оламиз, истасак чет элларда таҳсил оламиз, бутун билимимиз билан юртимизни жаҳонга кўз-кўз этишга ҳақлимиз. Бу ниманинг шарофати? Албатта, мустақилликнинг. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги эса Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк хизматлари туфайлидир. Биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар эса Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги ифодасидир. Сайловда биринчи бор овоз бердим. Агар юз бора бўлса ҳам — мен учун энг севимли Президентимга овоз берардим.

**◆ Олим ҚЎЗИЕВ, курувчи:**

—Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида пойтахтимиз Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарди. Жуда кўплаб муҳташам иморатлар унинг кўркига кўрк қўшди. Минглаб оилаларга бахт келтирган замонавий уй-жойларни айтмайсизми?! Сайлов участкаси томон борар эканман, шаҳримиз жамолидан кўзим яшнади. Албатта, бу ишларнинг барчасида Президентимизнинг ҳиссалари улкандир. Ислом Каримов Ўзбекистонимизнинг эртасини кўра оладиган Йўлбошчи, халқнинг энг буюк раҳнамосидир. Биз уни Президентликка сайлаб ўзимизнинг ойдин йўлимизни белгилаб олдик.

***Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.***

# ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

***Чет эл оммавий ахборот воситалари 9 январда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кенг ёритишни давом эттирмоқда.***

«Ислом Каримов ғалаба қилмай иложи йўқ эди», «Известия»да 11 январда шундай сарлавҳа остида мақола эълон қилинди. Газетанинг ёзишича, Каримов – сиёсатчи сифатида жуда кучли, халқ ичида обрўси баланд.

Мақоланинг давомида Ўзбекистонда ҳозир одамлар кайфияти Каримовни Президент бўлишга мажбур этар даражада экани ёзилган. Каримов нима учун ғалаба қилди? У – одамлар учун барқарорлик ва хавфсизлик тимсоли. Тожикистон ва Афғонистон каби қўшниларга эга бўлган ҳолда ўзбек сайловчилари кучли, истиқболи аниқ сиёсат учун овоз бердилар. Шу билан бирга қаттиқ тартибни демократик ривожланиш билан бирга қўшиб олиб бора оладиган ҳокимият учун овоз бердилар.

11 январда «Независимая газета» ўз саҳифаларида шарҳловчи Н. Айрапетованинг мақоласини чоп этди. Кутилганидек, ёзади журналист, Ислом Каримов республика аҳолиси томонидан деярли тўла қўллаб-қувватланди. Ислом Каримов ғалабаси ўйлагандан ҳам зиёда бўлди – ўз мандатини тасдиқлаган амалдаги Президентга ўн бир миллиондан ортиқроқ Ўзбекистон фуқароси овоз берди.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови кўпчилик халқаро кузатувчилар учун мамлакатда умуман жамиятни ва ҳокимият тузилмаларини демократлаштириш жараёнининг бориши қай аҳволда эканини таҳлил этиш учун баҳоналардан бири бўлди. Демократлаштиришнинг далиллари сифатида охирги муқобил асосда ўтказилган сайловларни, парламентдаги сиёсий партия ва фракциялар сонининг ошишини (иккита ўрнига бешта), аҳолининг турли табақаларини, шу жумладан шифокорлар, ўқитувчилар, ишчилар ва бошқаларни ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий дастурларни келтириш мумкин, деб тасдиқлайди «Независимая газета».

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини муҳокама этиш беистисно барча йирик давлатлар ОАВнинг бош мавзусига айланди. Мисол учун, 10 январда бу муҳим воқеа тўғрисидаги ахборот Хитой марказий телевидениеси ва Пекин телевидениеси 1-каналларининг янгилик дастурларида, Хитой марказий радиоси, «China Radio International» радиостанцияси эшиттиришларида қўйилди. Бу мавзуни Хитой пойтахтида босилувчи энг йирик газеталар ҳам четлаб ўтмадилар. «Жэнмин жибао»нинг ёзишича, сайловдан бир неча кун илгари ўтказилган сўровга кўра, ҳозирги Президентнинг рейтинги ўз рақибиникидан анча баланд.

Ўтган сайловлар Франция жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб этди. Хусусан, «Фигаро», «Либерасьон», «Лез эко» каби кундалик йирик нашрлар 10 январдаги сонларига унча катта бўлмаган мақолалар, шунингдек «Франс-пресс» агентлигининг Ўзбекистондаги Президент сайловлари якунларига бағишланган хабарларини жойлаштирдилар. Барча мақолаларда, асосан, икки факт келтирилган: аҳолининг юксак сайлов фаоллиги ва Президент И. Каримовнинг ишончли ғалабаси.

Француз кузатувчилари сайлов натижаларини эълон қилар эканлар, И. Каримовнинг давлат раҳбарлигидаги охирги 10 йиллик фаолиятини таҳлил этишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрига кўра, мамлакатни «қаттиққўл» билан бошқараётган Президент «очиқ ва изчил сиёсатчидир». Унинг аҳоли орасидаги обрўси ва «Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида кенг ёйилган «қудачилик»ни тарқатмасликка интилиш»дек фазилати таъкидланган.

***(Давоми 2-бетда).***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 21 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси**
**Раиси Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 12 январь.



**Пойтахтимиздаги 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёдкорлик ишларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишмоқда.**

**СУРАТДА: қурилиш бошқармасининг илғор пайвандловчиси Улуғбек Латипов ўз ишининг устаси саналади.**

